

Республикада сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари билан шугулланувчи тизимларининг барпо этилиши, “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик маркази ташкил этилиши, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришга алоҳида эътибор берилаётгани, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга, олиб борилаётган сиёсатга нисбатан жамоатчиликнинг муносабатини

- халқнинг юрагидаги дардини айта

оладиган, жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган даражада бўлиши зарур. Акс ҳолда у ўз олдида қўйилган вазифаларни бажара олмайди. ОАВ халқ билан ҳукумат ўртасида воситачи ролини бажариши керак. Шу мақсадда бир қанча ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентига девони Ахборот марказининг ташкил этилиши ҳамда Ташки ишлар вазирлиги ҳузурида “Жаҳон”, шунингдек, ҳукуматга қарашли бўлмаган “Туркистонпресс”

- хорижий давлатлар вакиллари



МОҲИЯТ ВА ТАЛҚИН

Азамат ТОШЕВ,

Академия аспиранти

ўрганиш ва бошқа бир қанча ўзига хос фаолиятларни кўришимиз мумкин. Сир эмаски, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти куришда оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг роли бекиёсдир. Демократик жараёнлар қанчалик муваффақиятли амалга оширалаётгани ОАВларининг мустақиллиги, уларда ёритилаётган мавзуларнинг хилма-хиллиги билан аниқланади. Республикамиз Президентга И.А. Каримов Олий Мажлисининг VI сессиясида оммавий ахборот воситаларига шундай баҳо берган эди: “Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга. Бирок шуни ҳам эътироф этиш керакки, демократлаштириш жараёнида ҳозирча оммавий ахборот воситаларининг фаол роли сезилмаяпти. Улар шу пайтгача ўзларини “тўртинчи ҳокимият” сифатида намоён қилганлари йўқ... Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш йўлининг, ислохотлар йўлининг тарғиботчиси бўлиб қолиши шарт. Айни пайтда уларнинг ўзи моҳият жиҳатидан демократик бўлмоғи лозим”.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари роли юқори савияда (ривожланган давлатлардаги каби) республикамиз ҳақида маълумотлар

етказиб бериш учун махсус агентликнинг тузилиши бунга ёрдам берди. Шунингдек, мазкур соҳа учун ҳукуматимиз томонидан ҳуқуқий пойдевор яратилиб, Олий Мажлисининг VII сессиясида “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”, “Журналистларнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Замонавий оммавий ахборот воситаларини шакллантириш мақсадида жаҳон таърибасини ўрганиш йўлида алақанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Конрад Аденауэр, Сорос каби ҳукуматга қарашли бўлмаган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда. 1997 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академиясида “Радио ва телевидение - ахборот маконида ва жамоатчилик фикрини шакллантириш йўлидаги рақобат” мавзусида ўтказилган халқаро конференция бунинг ёрқин далилидир.

Сир эмаски, ОАВларининг ривожланишида профессионал кадрларнинг касбий маҳорати, билим

савияси, интилувчанлиги муҳим ўрин тутди. Шу сабабли республикамиз ОАВларида етук мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида аниқ режа асосида қўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси ҳудудида “Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази”нинг фаолияти учун имконият яратилиб, республикамиз ва хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари унинг муассислари бўлдилар. Натижада республикамиз матбуоти ходимлари ўз билим-савияларини ошириш, илгор хорижий мамлакатларнинг бу соҳада ортирган бой таърибаларини ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Республикамизда хорижий ОАВлари ҳам ўз фаолиятини олиб бориши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозирда Англиянинг “Би-Би-Си” радиокорпорацияси, “Гранд”, радиостанцияси, Туркиянинг Онадўли ахборот агентлиги ва бошқа хорижий ахборот

агентликларининг ваколатхона-лари очилган бўлиб, улар дунёда республикамиз ҳаётини ёритишда фаол иш олиб бормокдалар. Айниқса, мамлакатимиз аҳолиси учун “Озодлик” радиоси, “Америка овози” дастури эшиттиришларини тинглаш им-конияти туғилди. Бугунги кунда фукароларимиз ушбу ахборот воситалари орқали ташки дунё билан алоқа қилиш шарафига сазовор бўлдилар. Амалга оширилаётган ишлар диёримизда демократиялаштириш жараёни кундан-кунга жамиятимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётганлигидан дарак беради.

Шу ўринда хорижий агентликларнинг фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Республикада хорижий ахборот агентликларининг олиб бораётган иши халқимизнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Айни пайтда, жамиятдаги бошқа давлатлар ҳам ушбу ахборот воситалари орқали Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар жараёни билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Шунингдек, бир томондан, ҳар бир тингловчи хорижий ахборот воситалари билан республикамиз ОАВларини солиштириш имкониятига эга бўлса, иккинчи томондан, айтиш мумкин, бу борада бир қанча ахборот агентликлари ўртасида фикрлар хилма-хиллиги вужудга келишига замин яратилади. Бу омиллар республикамизда ОАВларининг жаҳон андозаларига мос равишда шаклланишига олиб келади. Кези келганда хорижий ОАВлари фаолиятининг салбий томонлари ҳам мавжудлигини айтиб ўтишни лозим топдик. Айрим ҳолларда ушбу ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақида бир томонлама муносабат билдиришлари - Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари юзасидан “Би-Би-Си” радиосининг (1998 йил 4 февраль) шарҳларида ҳолислик доирасидан чиқиб кетиш каби ҳолатлар кузатиш мумкин. Шунинг таъкидлаш лозимки, мухбирлар ўзлари билиб-билмай шарҳлари билан икки давлат орасидаги муносабатларга раҳна солишга сабабчи бўладилар. Биз хорижий

ахборот воситаларини тўла таҳлил қилиш ниятидан йироқми, мақсадимиз уларни қисман бўлса-да кузатиш орқали эришган ютуқларимизга ташки дунёда қандай муносабат билдирилаётгани, қанчалик тўғри Кабул қилинаётганлигини аниқлашдан иборат. Шунинг таъкидлаш лозимки, ўтиш даври доим бир хил хис-туйғулар билан ҳамоханг бўлмайди, балки замонлар ўтиши билан у ўзига хос тус олиб, турли кўринишларда шаклланади. Бу ҳолни эса кўпгина хорижий муаллифлар унутиб қўймоқдалар ва шу асосда ҳулоса чиқармоқдалар.

Олий Мажлиснинг VII сессиясида “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” қонун қабул қилинди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи сиёсати ҳуқуқий негизи ва тамойиллари қарор топаётган бир пайтда у жамоатчилик фикрида етарли ўринни эгаллаши зарур. Акс ҳолда олиб борилаётган сиёсат халқдан ажралиб қолиши мумкин. Бу ҳолатда асосий жавобгарлик оммавий ахборот воситалари зиммасига тўғри келади. Чунки тарғибот ва ташвиқот ишлари кўпроқ ОАВ ёрдамида муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун республикамиз ахборот воситалари ташқи сиёсат ва халқаро муносабатлар масалаларига ҳам катта эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир. Тан олиш керакки, бугунги баъзи ОАВларида сиёсий жараёнларни шарҳлаш ҳамда халқаро алоқаларни ёритиш борасида тахдидий нуктаи назардан ёндошилмайди. Ушбу масалалар юзасидан мунозаралар юритилмай, келтирилаётган маълумотлар ҳам муаммонинг моҳиятини очиб беришга ожизлик қилади. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча ОАВ дастурий ҳужжатларида мамлакатимиз ташқи сиёсатини тушунтириш ва қўллаб-қувватлаш, у ҳақда фукароларни хабардор қилиш вазифаси кўзда тутилган. Аммо ахборот воситалари Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича муаллифлик мақолаларини мунтазам тайёрлашни

таъминлай олмаётганлар, ўқувчиларга тақдим этилган халқаро мавзудаги мақолаларда аниқ концептуал асослар ва тизимлар унчалик сезилмайди. (Муаллиф 1997-98 йиллар республикада мавжуд сиёсий партияларнинг газета мақолаларини таҳдид қилиш натижасида шу фикрга келган). Бу ҳол ислохотларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда ОАВ олдида ҳаммамиз учун долзарб бўлган бир қанча муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

Юқоридаги муаммоларни бир оз бўлсада ҳал этишга қўмаклашиш мақсадида қуйидагиларни тавсия қилишни лозим топдик:

- Ўзбекистон фукароларининг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида республика ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлар масалалари бўйича таҳлилий ахборот беришда матбуотнинг ўрни-ни қайтадан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

- “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг ташқи сиёсатдаги йўлини ёритувчи долзарб ташқи сиёсий муаммолар бўйича етакчи олимларнинг оммавий ахборот воситаларида, энг аввало кундалик нашрларда мунтазам чиқишларини ташкил қилиш керак.

- Жаҳон сиёсатидаги долзарб муаммолар ва республикамизнинг халқаро алоқалари масалалари билан шугулланувчи оммавий ахборот воситалари муаллифлари билан мунозарали суҳбатлар уюштириш лозим.

- Бу масалаларни ўз вақтида ҳамда кенг оммага тушунарли қилиб етказиб бериш учун республикамизда шу соҳага ихтисослашган аналитиклар билан учрашувлар ташкил қилиш зарур.